



Шарк асарлари услуби ва шаркона тасвир воситаларига муштарак усулда «Руслан ва Людмила»ни яратаётган Пушкиннинг ёш калбида реал рус хаёти ҳамда ижтимоий-сиёсий тузум чексиз исёнлар уйготарди.

«Тож-тахт кусурин бирма-бир топтаб», бутун жахонга эркни улуглашни истаган шоир «мангу конунни шохлардан юксак» билар ва:

Шох амри-ла, дўстлар хору зор туткун.

Халкни кўраманми озод ва бардам,

Ватаним устида балкирми бир кун

Маърифатли эркнинг тонготари хам?

(Эркинлик касидаси)

каби мисраларда эрк дардида ёнган рус калбининг огрик-изтиробларини куйларди. Исён рухида яратилган бир катор шеърлари учун Пушкин кувгинга учрайди. Подшо уни бир вақтлар Радищев сургун килниган узок Сибирга юбормокни режалаштиради. Чаадаев, Жуковскийлар аралашуви туфайли Пушкин Екатеринославга сургун килинади. Шоирга Ге-нерал Раевскийлар оиласи билан Кавказга кетишга рухсат берилади (1820). Пушкин у жойдан Гурзуф, Кишенёв ва Одессага (1821) боради. Жанубга сургун килиниши Пушкинга хақикий шаркона хаёт тарзи ва унинг жонли манзаралари билан танишишга имкон беради.

Энди ижодкор афсонавий хаёлотлардан чекинади, китобий тасаввурлар ўрнини Крим ва Кавказ халklarининг жонли хаёти эгаллайди. Шоир Русия жанубида яшайдиган халklarнинг турмуш тарзи, урф- одатлари, феъл-атворлариини ўз кўзи билан кўриб, адабий асарлардан эмас, бевосита хаётнинг ўзидан бадиий идрок эта бошлайди. А.С. Пушкин 1820 йил 24 сентябрда укаси Л.С.Пушкинга ёзган мактубида Кавказ табиати, тоғ тизмаларининг улугвор чўккилари гўзаллигига мафтун бўлиб, «жазирама Осиёнинг чегараси бўлган Кавказни хар томонлама диккатга сазовор ўлка» деб бахолайди.

Пушкин бу «ажойиб ўлка» билан танишар экан, унинг шоирона тафаккури Крим, Кавказ билан кифояланиб колмасдан, бу мамлакатлар атрофига хам парвоз кила бошлайди.

Пушкин Кавказга Русияни Эрон, Хиндистон, Ўрта Осиё билан якинлаштирувчи бир мамлакат сифатида карайди.

Натижада Пушкин Шарк эртаклари таъсирида дунёга келган «Руслан ва Людмила»ни тугатар-тугатмас Кавказ таассуротлари асосида «Кавказ асири» (1820—1821) поэмасини ёза бошлайди ҳамда унинг хаёли араб ва форс ўлкалари тасвирланган афсоналарга бой эртаklar диёридан диккат-эътибори реал рус хаёти билан бевосита боглик бўлган жануб ва Кавказга кўчади. Бу кўчиш шоирнинг ижодий уфklarини яна хам кенгайтиради.

Зеро, шоир калби ва тафаккури хамиша ўз даври дардларининг кўзгуси бўлган. Пушкин замонасининг дарди эррка ташналик эди. «Кавказ асири»да ана шу эррка ташна калб

изтироблари романтик либосда ифода тонганини кўрамиз. Чунончи, «Кавказ асири»да черкаслар туткуни рус йигитининг эркинликка интилишини кўрсатиш баробарида Кавказни зулм билан эзаётган рус генераллари ҳам каттик кораланган ва шоир: «...мана — Шарк чекар фарёд», деб ёзган. Демак, «Кавказ асири» поэмасидаги эркинлик гоёси Пушкин учун умумубашарий гоё. У факат рус халки эркинликка эришишини эмас, бугун бани башарнинг эркин яшашини орзу килади. Пушкин факатгина ўз миллатининг тақдирини эмас, умуминсоният тақдирини ўйлаб кайгуради. Пушкин дунёкарашидаги Шарк халкларига эхтиром шу қадар кучли эдики, у Шарк фарзанди черкас кизини поэманинг бош қахрамони қилиб танлайди ва уни озодлик рамзи сифатида тасвирлайди. Шоир 1822 йил янги дўсти зобит В.П.Горчаковга ёзган мактубида поэмасининг заиф жихатлари хақида фикр юритиб, «черкасларнинг урф-одатлари ва феъли-атворларини тасвирлаш асариминг кўп ва хўп қисмини ташкил қилади, уни «Черкас кизи» деб атаганим яхшироқ бўлар эди», деб ёзади. Чунки черкас кизи образи бадиият нуктаи назаридангина эмас, балки маънавий-ахлоқий идеал ифодаси сифатида ҳам асардаги энг муваффақиятли образ саналади.

Асарда асир рус йигити тимсолида тажассум топган гарбона рухият черкас кизининг шаркона юксак маънавияти, кўтаринки — романтик хиссиётларига қиёсан анча гариб эканини Пушкин реалист санъаткор сифатида ҳаққоний тасвирлаган. Тогликлар феълига хос хурлик рухияти Пушкиннинг озодлик ва эркинлик хақидаги эзгу гоёларига ниҳоятда ҳамоҳанг бўлгани боис шаркона қадриятлари алоҳида самимият билан тараннум этади.

Пушкин наздида озодлик деган олий неъматга эришиш қанчалик улугвор саодат бўлса, қимгадир озодлик инъом этиш ҳам шунчалик шарафли бахтдир.

Чин ошиқ ҳамиша севгилисига энг олий неъматни раво қурган. Черкас кизи маънавияти ҳам шундай мардлик ва садокат руҳи билан сугорилган. У ўзи севиб қолган асир йигитни севгисидан жудо бўлишини билган ҳолда озод қилади, лекин унинг ишқи оташи шунчалар кучлики, у хижронга тоб бера олмади. Черкас кизи билиб туриб ўзини шамга урган нарвонадан ҳам зиёдарок ошиқлик сифатини намоён қилади. Йигитни озод қилиб, ўзини сувга ташлайди. Зохиран қараганда, бу иш гўё заифликдек кўринади. Лекин черкас кизининг маънавияти билан боғлиқ ботиний моҳият эътибори ила англасак, бу рухий матонат, албатта. Ўз жонини қурбон қилиш эвазига тутқундаги маҳбубини озод қилиш арзийдиган қурбонлик деб талқин қилиш шоир томонидан поэма руҳига сингдирилган гоё. Муҳаббат улуг туйғу, аммо жонга қасд қилмоқ гуноҳи азим эканлигини англамагани учун ҳам шоир севибли қахрамонига шундай тақдирни раво қўрган.

Ишқ фидойиси бўлган черкас кизининг наздидаги ўзи озод бўлишнинггина эмас, ўзгани озод қилишни шараф деб билиш гоёси Пушкиннинг бошқа асарларида ҳам ўз ифодасини топган, тадрижий тараккий қилиб борган, шоир ижодининг асосий гоёларидан саналган эътиқоддир.

Пушкин «Қушча» (1823) деган шеърида «бахор байрамида, гўзал сайилда қушчага эрк бериб учирар экан», «кўнгли тасалли ва ором топади» — бир қушни озод қилиш бахтига муяссар бўлганига шукроналар келтиради:

Ахир, мен озодлик этолдим инъом,

Ақалли биргина жонга бир нафас.

Бундан инсоннинг хур ва озод бўлиши бир бахт, ўзгани хур ва озод кўриш яна бир бахт, ўзгага хурлик ва озодлик инъом эта олиш яна ҳам улугворроқ бахт, ақалли бир қушчага бўлса ҳам, деган маънони уқиш мумкин.

Калби эзгу хислар билан йўгрилган русийзабон шоирнинг бу эътикоди Пайгамбаримиз (с.а.в.)нинг хадисларига канчалик хамоханглигини кўриб, хайратга тушасиз. Зеро, Расули Акрам (с.а.в.) «Бир-бирингизга хайр-садака килинг, яхшилик эхсон килинг, ҳеч бўлмаса яримта хурмо билан бўлса ҳам», деб марҳамат қилганлар. Пушкин ҳам инсоннинг инсонга яхшилик килишини эътикод даражасига кўтаради (ва мўмин инсонга хос фазилатлардан бирини намоён қилади).

Инсоннинг инсонга хайрихоҳлиги ва ҳамдардлиги жаҳон адабиёти тарихида тарғиб ва таҳлил этиб келинган. Жаҳон адабиётининг инсонпарварлик гояларини ўзида мужассам этган барча вакиллари ижодида бу руҳ, албатта, у ёки бу тарзда ифодасини топган.

Пушкин асарларида ҳам инсоннинг инсонга хайри-хоҳлиги, ҳамдардлиги ва биродарлиги миллий сарҳад билан чекланмаган. Шунинг учун ҳам рус генерали Ермоловнинг Кавказ халқларига кўрсатган зулмига қарши исён билдириб: «...Шарк чекар фарёд», деб хайкиради. Зеро, унинг Шарк халқлари ҳаётига бўлган муносабати оддий кизиқиш эмас, чуқур самимиягга асосланган хайрихоҳлик билан сугорилган. Шоир «Кавказ асири» поэмасининг эпилогига:

Хаёл дўсти муза тинмайин

Осиёга отарди қулоч, —

деб ёзади.

Ҳа, Пушкин араб дунёси, форс шеърияти, Кавказ Шарқи билангина эмас, Осиё минтақасига мансуб Шарқни ҳам танишни истарди. Иакинф Бичурин билан суҳбатлари, унинг Ўрта Осиё ҳақидаги маълумотларга бой асарлари бу иштиёқни яна ҳам кучайтирарди. Аммо бу кизиқишларнинг ижодий самаралари анча кейин натижа берди ва кўпроқ Пушкиннинг тарихий асарларида ифодасини топди.

Пушкин «Кавказ асири» поэмасида черкаслар орқали Кавказ мусулмонлари ҳаёти, уларнинг урф-одатлари тасвирига анча чуқур кириб борган. Бу халқларнинг самимияти, меҳмондўстлиги, тараккий этган Оврупа ҳаётидан бутунлай фарқ қилувчи оккўнгилликлари, меҳрибон черкас кизининг меҳру шафқатга тўлиқлиги, асир йигитга тавозеъ билан кимиз тутишлари, хайит кунлари тўпланишиб, ўйин-қулғу қилиб, шодиёналик билан рамазонни нишонлашларини ҳавас билан тараннум этади. Қрим ва Кавказ арабий диёрлар сингари шохонавор, дабдабали ва ярқирок бўлмаса ҳам, ўз табиатининг улугворлиги билан Пушкинга худди «Минг бир кеча» эртақларидаги манзаралар сингари сирли либосларда кўринади ва ўзига тобора кўпроқ жалб қилади. Бу кизиқишлар самараси ўлароқ Пушкин ижодида жанубий туркум аталмиш шеърлар мажмуаси пайдо бўлади.

«Осиёнинг бесамар сарҳадларини кўрдим», «Табиат чирой очган ўлкаларни ким кўрган», «Яқинда бир фақир мусулмон», «Бокчасарой фонтани», «О, киз — гул заижирингдаман», «Узум» каби шеърлари мана шу жанубий туркум намуналаридир. Бу шеърларда Пушкин шартли афсонавий шаклларда эмас, ҳаққоний тасвир усуллари орқали Шарқона ҳаёт тарзининг ўзига хос манзараларини яратишга интилади.

«Яқинда бир фақир мусулмон» шеърида қаймоқка бошқоронгу бўлган Фотима эридан қаймоқ топиб қелишини илтимос қилгани, Мухаммад ҳар йили янги меҳмон тухфа қиладиган аёлига қаймоқ кидириб, жуда кўп саргузаштлари бошидан кечиргани ҳикоя қилинади.

Шеърда талайгина туркий сўзлар ишлатилади, шеър қахрамонларининг исмлари ҳам бутунлай мусулмонча: Мухаммад ва Фотима, фақир, мусулмон, қаймоқ, Қуръон сўзлари руслашган товуш ўзгариши билан айнан ишлатилади.

Недавно бедный музильман  
В Юрзуфе жил с детьми, с женою;  
Душевно почитал священный Алькоран

Якинда бир факир мусулмон  
Ахлига бахш этиб жонни  
Яшарди, мукаддас билиб Куръонни... —  
деб бошланган бу шеърда Пушкин кечгача тиним билмай асарларини, подаларини, богдаги узумларни миришкорлик билан парвариш килувчи мехнаткаш Мухаммад (Мехмет) хотини Фотимани жондан севишини, бу мухаббат афсонавий севги эмас, оддий одамларга хос ўта самимий меҳр эканини тасвир этади. Шеърда шаркона хаёт тарзи, шарк кишилари характеридаги ўзига хос рухий холатлар жуда хакконий акс этган. Мазкур шеърда манзара шаркона, характер шарк-она, шеър лексикасида ҳам шаркийлашиш мавжуд бўлиб, тасвир этилаётган ходисаларни бадий идрок этишда ва услубда Пушкин Оврупа шоири сифатида гавдаланади. Шеърда гарбона тафаккур тарзи устун туради. Зеро, «Хакикий миллийлик ташки либослар тасвири эмас, халкнинг рухияти ифодасида акс этади. Шоир бутунлай бошка дунёни тасвирлаётганида ҳам, агар унга ўз халки нуктаи назаридан, ўзининг миллий табиатидан келиб чикиб караса, миллий бўлиши мумкии. Шунда унинг сўзлари халки дилидан чиккан сўзлардек мохиятга эга бўлади», деганида Гоголь Пушкиннинг айнан шундай асарларини кўзда тутган. Чунки бу асарларда шоир тасвир эгаётган шар-кона манзара, шаркона образларга рус кишиси нук-таи назаридан карайди. Рус халкига хос тафаккур хусусиятларидан келиб чикиб бахо беради.

Шаркона поэтик услубга хамоханглик жануб туркумига мансуб бошка шеърлар — «Узум», «Бокчасарой фонтани» да кўпрок акс садо беради. «Узум» шеъри бевосита Саъдий ижодидан таъсирланиш самараси эканини рус пушкиншунослари ҳам таъкидлашган. «Бахор ўтиши билан сўлган гуллар учуй афсус чекмайман», деб ёзади Пушкин. Чунки шоирга кузда етилгучи тилларанг узумлар афзал. Бахор — куз, гул — тилларанг узумнинг карама-карши кўйилиши Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон» ига ишора. Ёшлик бахорга киёс: бахор — гул, гул — бахор рамзи. Узум богда ўсади, кузда пишади. Куз инсон умрининг етилган, улуглашган палласи. Ёшлик гўзаллигидан балогат ёшида эришиладиган комиллик шоир дилига кимматли. «Олтин водий», «тилларанг куз», «гўзал киз бармоқпаридек узун ва тиник» (узум)каби ташбехлар, тазод, рамзий ишора каби шарк поэтикасига хос санъатлар шеърда жамулжам бўлган, Шарк шеъриятига хос мажозийлик ўз ифодасини топган. Пушкин-нинг «Узум» шеърини Брагинский Шарк мумтоз адабиётига мансуб шеърий жанр - «китъа» билан киёслайди. Фикрни мажозий ифодалаш усули, тазод, истиораи бит — тарсех, ташбеҳи сарех, таносуб, мураатун назир каби шеърий санъатларга муштарак ифодалардан фойдаланганини мисоллар асосида исботлайди. Албатта, бу усулларга Пушкин онгли равишда таклид килмаган, улар бадий интуитив тарзда шаклланган.

Брагинский ҳам бу холатни холислик билан тан олади. Саъдийнинг «Гулистон» асари дебочасида: «Дўстларимиздан бирининг богида тунаб қолишга тўғри келди. Бу жуда ажойиб бир жой бўлиб, гоятда сафобахш, дилрабо, дарахтлари бир-бирига айкашиб кетган, ерига ранго-ранг шиша парчалари тўшалганга ўхшар, тепадан осилиб турган узум бошлари эса Сурайё юлдузлар туркумини эслатарди:

Ирмоқлар шилдирок, жаннатдай боглар

Кушларнинг сайраши мукамал, мавзун.

Ўра-кир лолалар билан ранго-ранг

Мевали дарахтлар ажиб гуно-гун.

Дарахтдаи куйига тушган кўланка

Ерларни гиламдай безар бус-бутун.

Эрта тонгда шахарга кайтмок фикри богда колмок орзусидан голиб келган махалда дўстим этагини атиргул, райхон, сунбул ва бошка гуллар билан тўлдириб йўлга чикмок тараддудида эканини кўрдим. Унга дедим: «Ўзингдан махфий эмаски, гулнинг бакоси ва гулистоннинг вафоси йўқдир». Донишмандлар: «Хар нимарсаки бевафодур, мухаббат кўйишга нораводур», деб жуда тўгри айтганлар. Дўстим деди: «Хўш, у холда тадбир нимадур?» Мен унга жавоб бериб дедимки: «Мутолаа килганларга сафо, тинглаганларга шифо бахш этадигаи «Гулистон» иомли китоб ёзишим мумкин, унинг япрокларига куз фаслининг шафкатсиз кўли етмайди ва замона ўзгаришлари унинг хуррам бахорини хазин кузга айлантира олмайди:

Хар нечук гул дилингни килмас чоғ

«Гулистон»имдан ол бирор япрок.

Гул замони беш, олти кундир, бас,

Бу «Гулистон» хамиша пок нафас.

Хазрати Саъдий наздида, гулистонни тўлдирган гуллар бевафо, уларнинг умри ўткинчи, иисон тафаккури гулларининг киммати бокий ва умри абадийдир. Пуш-кин поэтик дахосининг улуглигини карангки, у мажозни шайх Саъдий нукта кўйган фикрий погонадан бошлайди. Инсон умрининг бахорини гул фаслига, хиссиётлар мамлакати бўлмиш ёшликни гулистонга ўхшатади. Хазрат Саъдий абадий деб атаган тафаккур меваларини етиштирган фасл — гул фасли бахор эмас, лиммо- лим болга гўлган, порлаши кўзингизни камаштирадиган тилларанг узум фасли — куз ва кузнинг мевалари бебахо бўлганлиги учун менга куз ва унинг самаралари бебаходир, деб шайх Саъдий мажозларини ишлатади.

«О, киз — гулзанжирингдаман» шеъри хам шар-кона образларни ўзлаштиришга мисол бўла олади. Шоир махбубасини гулга, ўзини ошиқ булбулга киёс килади. Пушкин таърифида булбул — ишкий эхтирослар отапшда ёнаётган, хижрондан коп-кора бўлган тун огушида нафис, ошикона зорланаётган, шарк шоирларининг дил дардлари таржимони бўлган бул-бул сифатида намоён бўлади. Пушкин гул ва булбул образига кайта-кайта мурожаат килган.

Шарк поэтикасига хос хусусиятлар «Бокчасарой фонтани» шеърида яна хам ёркинрок намоён бўлган:

Фонтан любви, фонтан живой!

Принес я в дар тебе две розы.

Люблю немолчный говор твой

И поэтические слёзы.

Ишк, фонтаны, о, ўлмас фонтан,

Сенга икки кизил гул совгам

Шилдирашинг ёкимли чунон

Шоирона кўз ёшларинг хам.

Шеърнинг дастлабки сатрлариданок Шарк нафаси сезила бошлайди. Фонтандан огилиб турган сувни шоир оддий эмас, шоирона кўз ёшларга киёс эгади. Шеърдаги ташбехлар

шаркона нафосат билан жилоланади. Тасвир этилаётган воқеалар тадрижий ривожланиб, Шарк иоэтикасига хос тадриж усули шеърда бўй кўрсатади. Шеърнинг сўнгги икки бандида савол ва хитоб эшитилади. Бу мисраларда биз «тажохили ориф»га муштараклик кўрамыз. Зеро, шаркона тас-вир усулларида анчагина мойил бўлганини Пушкиннинг ўзи ҳам таъкидлаган. Пушкин ўзининг «Клас-сик ва романтик поэзия хақида» номли мақоласида Оврупа шеъриятига кучли таъсир кўрсатган омиллар хақида фикр юритар экан: «Маврлар (араблар — Д.К.)» уни (Оврупа шеъриятини — Д.К.) севги ва мухаббатнинг изтироб ва лаззатларига ошно этди, унда Шаркнинг ажиб ва серхашам суханворлигига нисбатан майл уйгонди», деб ёзади.

Шарк хаёти, тарихи, маданияти ва адабиёти билан танишув Пушкиндаги шаркона майлларни ниҳоятда кучайтирди. Натижада шоир Шаркни гоёвий эстетик жихатдан ўзлаштиришга муваффақ бўлди. Бу ҳолат, ўз навбатида, Шарк адабиётига хос поэтик усуллар шоир ижодида гоё бадиий ўзлаштириш, адабий таъсир тарзи, гоё типологик муштараклик тарзида мужассам бўлишини таъминлаган.

Дилбар КАМБАРОВА “КУРЪОН БАХШ ЭТГАН ИЛХОМ” китобидан